O'ZBEKISTON ... MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 1 ноябрь, № 213 (4112) Чоршанба

**Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига**







# ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ

*Сиру синоатларга тўлиб-тошган салкам уч минг йиллик тарихимизни улкан уммонга қиёс этсак, унда маданиятимизнинг янги-янги ноёб топилмалари жилоланиб кўринаверади. Инсон ақл-заковатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланган Хоразм Маъмун академияси ("Байтул-ҳикма" — "Донишмандлар уйи") ана шундай бебаҳо дурдоналардан биридир. Бундан минг йил муқаддам машҳур олимларимиз оламшумул кашфиётлари билан нафақат Шарқни, балки Ғарбни ҳам лол қолдириб, бутун дунёга донг таратдилар. Афсуски, исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат неча-неча замонлар бизга мутлақо ёт сиёсат соясида қолиб кетди.*

*Шукроналар бўлсинки, Истиқлол шарофати билан асрий орзуларимиз рўёбга чиқди. Президентимизнинг раҳнамолигида Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилиб, ўзининг мингинчи ёшига қадам қўйди ва мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида изчил фаолият юрита бошлади.*

Бу, биринчидан, ҳавас қилса арзигулик тарихий меросимиз борлигини, иккинчидан, маънавиятимиз илдизлари бақувватлигини, аждодларимизнинг нималарга қодир бўлганликларини бутун дунёга яна бир бор намойиш этиш имконини яратди.

Дарҳақиқат, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш ёш авлод қалбида миллий ғурур, фахр ва ифтихор ҳамда мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғуларини кучайтирмоқда. Айни пайтда мазкур академиянинг 1000 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётганлиги ва ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида бу улуғ тўйни халқаро миқёсда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ушбу тадбирнинг дунёвий аҳамиятга моликлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Саидаҳрор ҒУЛОМОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, — деди суҳбатдошимиз, — X-XI асрларда Хоразм ҳар жиҳатдан тараққий этган бўлиб, бу ерда фан ва маданият ривожига катта эътибор берилган. Маъмун академиясининг ташкил топиши эса бевосита Маъмунийлар давлати (992-1017 йй.) тарихи билан боғлиқ. 995 йили Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ироқ африғийлар сулоласини тугатиб, икки давлатчиликка чек қўйди ва Гурганж шаҳрини пойтахтга айлантириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. 997 йилда Маъмун I вафот этиб, тахтни Али ибн Маъмун эгаллайди. Унинг ҳукмронлигидан (997-1010 йй.) кейин эса Хоразмшоҳлар тахтига Абул Аббос ал-Маъмун ибн ал-Маъмун (1010-1017йй.) ўтиради. Худди ана шу даврда Маъмун академияси ташкил топади. Саройга таклиф этилган Абу Райҳон Беруний академияга раҳбар ва Абул Аббос ал-Маъмуннинг маслаҳатчиси қилиб тайинланади. Шубҳасиз, бу Маъмун академияси фаолияти учун катта имкониятлар эшигини очади. Энг аввало, Беруний ўз ваколатидан фойдаланиб, академияга кўплаб шарқлик машҳур олимларни олиб келади. Улар орасида номдор табиблар, файласуфлар ва шоирлар, математиклар ва астрономлар, тарихчию тилшунослар бўлган.

(Давоми 2-бетда).

# ҚУТЛОВ МАКТУБИ

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

ЮНЕСКО Сизни бугунги қувончли воқеа — ЮНЕСКО ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйлаб нишонланаётган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этади.

Қарши шаҳрининг юбилейи каби тарихий саналарни нишонлаш халқлар маданиятини ўзаро бойитишда, халқаро мулоқот ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришда, аввало, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг меъморий дурдонаси — Қарши дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бўлиб, Марказий Осиё цивилизацияси ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Бу шаҳар Одина ва Кўкгумбаз масжидлари, Хўжа Абдулазиз мадрасаси ва Қашқадарё узра ўтган кўприк каби меъморчиликнинг ноёб намуналари билан машҳур.

Суғдлар Нахшаб, араблар ва форслар Насаф деб атаган Қарши Амир Темур замонида, ундан кейин Бухоро амирлиги даврида муҳим аҳамиятга эга шаҳарга айланди. Буғдой, пахта ва ипак етиштириш борасида дунёга донг таратди. Буюк Ипак йўли — Балх ва Бухоро ўртасидаги муҳим стратегик жойда, карвон йўлларининг асосий чорраҳасида жойлашган турфа маданиятли ва кўп миллатли бу шаҳар маданий, тижорий ва илмий ҳамкорлик маркази, халқлар ва маданиятлар мулоқоти маскани ҳам бўлган. Ўз тарихий-маданий анъаналарини сақлаб қолган Қарши бугун ҳам кўплаб олим ва тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда.

Қаршининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида нишонланиши бу тарихий-маданий марказни келгуси авлодлар учун динлар, маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотининг намунаси сифатида сақлаб қолиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Бугунги Қарши — Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўзбек халқининг маданий-тарихий меросини асраб-авайлашга қаратилган сиёсати муваффақиятининг ёрқин исботидир.

Жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ЮНЕСКО "Жаҳон илм-фани ва маданияти дурдоналари — 1000 йиллик Хоразм Маъмун академияси ва 2700 йиллик Қарши" халқаро конференцияси ва кўргазмасини ўтказиш шарафига муяссар бўлди. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО фаолиятининг халқлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш борасида кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотимиз қадимий маданий ва савдо йўлларининг, яъни Буюк Ипак йўлининг тикланиши кўҳна Қарши шаҳрига ЮНЕСКОнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида яна марказий роль ўйнаш имконини яратади, деб умид қилади. Бутун дунёда тинчликни қарор топтириш, лисоний, маданий ва диний тўсиқларни бартараф этиш, маданиятлараро мулоқот ва маданий ранг-барангликни ривожлантириш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик ва тараққийпарварлик устувор бўлган жамиятларни шакллантириш — буларнинг барчаси Ташкилотимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Президент Жаноблари, Сиз тараққиётнинг маънавий ва моддий жиҳатларини қушнинг икки қанотига қиёслагансиз. Ўзбекистон ҳукумати тараққиётда маданиятнинг ролига катта эътибор бераётгани, бутун инсоният меросининг ажралмас бир қисми бўлган бу қадим заминнинг ноёб маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ва тиклаш ишларини изчил қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Сизга миннатдорлик билдириш менга мамнуният бағишлайди.

**Коичиро МАЦУУРА,**
**ЮНЕСКО Бош директори.**

**Анжуман**

*"Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида "Ҳомийлик – қадриятлардан қонунчилик нормалари сари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

# Ҳомийликнинг ҳуқуқий асослари

Президентимиз 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қиларкан, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, ҳомийлик ҳаракатининг қонуний базасини яратиш, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Шундан сўнг мазкур масала бўйича қабул қилинган мамлакатимиз раҳбарининг Қарорига мувофиқ, ҳукумат томонидан "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, депутатлар муҳокамасига киритилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни ҳамда иқтисодий-молиявий механизмларни яратади.

Лойиҳани тайёрлашда хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Молдова ва бошқа МДҲ давлатларининг шу соҳадаги қонунчилик тажрибалари ўрганилгани таъкидланди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Марк Боннель:**

# «ЎЗБЕКИСТОНГА НИСБАТАН МУҲАББАТИМ ЧЕКСИЗ»

***"Авиценна-Франция" уюшмаси президенти Марк Боннель Ўзбекистонга ўзгача меҳр қўйган. Асли шифокор бўлган бу инсон ўз ҳаётининг каттагина қисмини Абу Али ибн Сино, Ғарб халқлари тили билан айтганда эса, Авиценнанинг асарларини, буюк алломанинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишлаган.***

Доктор Боннель соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро тоифадаги маслаҳатчи бўлиб, узоқ вақт мобайнида (1983 йилдан то 1998 йилгача) Франциянинг Европа ҳамжамияти шифокорлари Доимий кенгашидаги вакили сифатида фаолият кўрсатган. 2003 йилдан буён у Халқаро Ибн Сино жамағармасининг бўлими сифатида ташкил этилган "Авиценна-Франция" уюшмасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Мазкур ташкилотнинг бош мақсади – Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасида билдирган фикрлари, алломанинг асарларини тарғиб этиш, семинар ва конференциялар орқали олимнинг ғояларини чуқурлаштириш ва оммалаштиришдан иборат. Ибн Синонинг Ватани бўлмиш Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам уюшма фаолиятининг устувор йўналишларидан бири.

Шу кунларда доктор Боннель бир неча ҳамкасби ҳамроҳлигида юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаёти француз олимларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Сафар давомида меҳмонлар Самарқанд, Бухоро ва Хивада бўлишди. Вақти анча тиғиз эканига қарамай, жаноб Боннель "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат учун имконият топди.

— Ташриф чоғида бир қатор учрашувлар ўтказдик. Уларда, жумладан, Хоразм вилоятидаги Қўшкўпир ва Париждаги Софи-Жермен лицейлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини муҳокама қилдик, — деди М. Боннель. – Биз, шунингдек, Ибн Сино дунёга келган Афшона қишлоғидаги музейни қайта таъмирлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдик.

Делегациямиз Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллиги муносабати билан ўтказилувчи шодиёналарда иштирок этиш учун таклиф этилганидан бағоят мамнунман. Ушбу кўҳна илм саройининг юбилейи жаҳон аҳамиятига молик воқеадир.

Хоразм ҳукмдори Маъмун томонидан бунёд этилган мазкур академияда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби забардаст алломалар фаолият юритган. Бу ерда тарих, фалсафа, жўғрофия, геодезия ва бошқа фанлар ўрганилган, қадимги юнон олимларининг асарлари тадқиқ этилган. Шу йўсинда Марказий Осиёга уйғониш даври кириб келган.

Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда, албатта, Самарқанд, Бухоро ва Хивани зиёрат этаман. Ҳар гал уларнинг гўзаллиги мени ҳайратда қолдиради. Делегациямиз аъзоларининг аксарияти юртингизга илк бор ташриф буюрди. Улар гўзал мамлакатингизда бўлиб, самимий ва меҳмондўст халқингиз билан учрашганидан бахтиёрдирлар.

Менинг Ўзбекистонга нисбатан муҳаббатим чексиз. У — менинг иккинчи Ватаним!

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ**
**суҳбатлашди.**
**"Жаҳон" АА.**

# ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, барча тармоқлар қаторида ғаллачиликда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир. Жойларда қайта ишлаш саноатининг ривожланаётгани, наинки истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга, балки кўплаб янги иш ўринлари яратишга ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш орқали иқтисодий салоҳиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида иш бошлаган «Ираз-Феруз» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида буғдой қайта ишланмоқда. Бу ерда тайёрланган дастлабки 200 тонна сифатли ун истеъмолчиларга етказилди. Туркия ва Россия технологияси асосида иш юритаётган янги корхонада элликка яқин киши меҳнат қиляпти.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

*Самарқанд вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш якунларини кўриб чиқишга бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.*

Масалани муҳокама қилиш жараёнида қайд этилганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистонда халқимизнинг умуммиллий бойлиги бўлган ва ёшларни тарихий анъаналарга содиқлик, ўз Ватани билан фахрланиш руҳида тарбиялаш учун бебаҳо аҳамиятга молик маданий меросни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш чоралари кўрилди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарор ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ҳамда «Мерос» Давлат дастури қабул қилинди. Ҳозир мамлакатимизда 7198 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. Ўзбекистоннинг кўпгина маданий мерос объектлари умумбашарий қадриятлар хазинаси рўйхатига киритилган бўлиб, ЮНЕСКО ёрдамида муҳофаза қилинмоқда.

Шунингдек, мажлисда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қонунни ижро этиш юзасидан маданий мерос объектлари муҳофаза этилишини таъминлаш, уларни босқичма-босқич таъмирлаш ва конструкциялашга, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, қадимий шаҳарлар, халқ касб-ҳунарларини қайта тиклаш, туризмни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини халқаро миқёсда тарғиб этиш масалаларида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқаро ташкилотлар билан биргаликда олиб борилаётган ишни яхшилашга қаратилган муайян тадбирлар амалга оширилганлиги ҳам таъкидланди.

Шу билан бирга, Қўмита мажлисида сенаторлар «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этишдаги мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, айрим ҳолларда маданий мерос ёдгорликларидан ўз ўрнида фойдаланилмаётир. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида тузилган Илмий-услубий экспертиза кенгашининг фаолияти етарли даражада ташкил этилган эмас. Ана шу ва бошқа масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди. Муҳокама якунида Сенат Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг қарори қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси ўтказилиб, унда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида Самарқанд вилоятида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунни ижро этиш юзасидан аниқ мақсадли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Самарқанд вилояти ҳокимининг қарори билан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштирувчи идоралараро комиссия тузилган.

2001-2006 йилларда Самарқанд вилоятида Шоҳи-Зинда, Бибихоним, Регистон, Ал-Бухорий, Ал-Мотурудий, Қўшҳовуз, Хўжа Дониёр мажмуалари, Ҳазрати Хизр, Маҳдум Хоразмий, Даҳбедий масжидлари, Нодир Девонбеги мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Мурод Авлиё, Ғавсули Аъзам қадамжолари ва бошқа маданий мерос объектлари таъмирланиб, фойдаланиш учун мослаштирилди. 2001 йил декабрида Самарқанднинг тарихий маркази ЮНЕСКО томонидан «Самарқанд — маданият чорраҳаси» номинацияси бўйича жаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилди, 2005 йилда эса Самарқанд шаҳрига ЮНЕСКОнинг тегишли сертификати топширилди.

Шу билан бир қаторда мажлис иштирокчиларининг эътибори маданий мерос объектларини қонун ҳужжатларига аниқ риоя этган ҳолда давлат рўйхатига олиш ва уларнинг кадастрини юритиш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилди. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этишга, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, илмий муассасалар ва тадбиркорлар ролини оширишга қаратилган ишни янада кучайтириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг депутатлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

# «Эзгу фикр» телефони



Муҳтарам газетхон!

«Халқ сўзи» газетаси ўз номи билан халқимизнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари, онгу тафаккурини акс эттиришга йўналтирилган. Шу юртга дахлдор, миллатимиз келажагини ўйлаган фуқароларнинг эса Ўзбекистон манфаатидан кўра олий мақсади йўқ.

**Мамлакатимизнинг асл бойлиги бўлмиш шу Ватан фарзандларининг энг қимматли фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини барчанинг мулкига айлантириш ниятида «Халқ сўзи» таҳририятида «Эзгу фикр» телефони иш бошлади. Кўнглингизда туғилган эзгу фикр, маслаҳатларни ихчам, лўнда шаклда**

**133-59-60 рақамли телефонга**

**ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 19.00 гача етказишингиз мумкин. 8-371-136-37-85 рақамли факс эса узлуксиз ишлаб туради.**

## Акс-садо

### Қуйида «Эзгу фикр» телефони орқали билдирилган фикрлар билан танишинг

**Эркабой СОБУРОВ (Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри):**

— Кўнглимга шундай фикр келди: қани эди, Ўзбекистон ҳалол-поклик бўйича, иймонли жамият қуришда дунёда пешқадам бўлса...

* * *

**Миржалол ОРИПОВ (Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани):**

— Эски шаҳарга, хусусан, «Чорсу» бозорига эътибор учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга минг раҳмат! Фақат битта таклиф: охирги ўзгаришлардан сўнг автобус бекати қисман «Чорсу» савдо маркази олдига, қисман кўп қаватли уйлар орасига кўчирилди. Собиқ стадион ўрни эса бўш қолди. Бекатлар шу кенгликка кўчирилса яхши бўларди. Акс ҳолда «Хадра» майдонидан Чорсуга ўтиш жуда тирбанд.

* * *

**Орифжон ЭРКИНОВ (Хоразм вилояти Урганч шаҳри):**

— Хоразм ва Қорақалпоғистон ўртасида қатнаётган шаҳарлараро автобусларда бир киши синаш учун юриб кўрсин. Ўшанда йўлларда ҳайдовчилардан очиқдан-очиқ пора олишаётганлигини фош этишарди.

* * *

**Шерали полвон БЎРОНОВ (Тошкент шаҳри):**

— Баъзан бугунги турмуш қийинчиликларидан нолиган одамларни кўрсам, қоним қайнаб кетади. Ҳой, кўзингни каттароқ оч, кўчага чиқ, саккиз қаторлаб юрган енгил машиналар ҳеч қаерга сиғмайди. Шулар бизнинг фуқаролармиi?! Илгари соат 4-5 лардан кейин туманларга бориб бўлмасди, транспорт тўхтаб қоларди. Энди кечаю кундуз истаган манзилга етиб бориш мумкин. Бир вақтлар очарчилик, қаҳатчилик туфайли «Тошкент — нон шаҳри» деган гап чиққанди. Энди «Тошкент — тинчлик шаҳри», дейишади. Бундан фахрланишимиз керак.

* * *

**Иброҳимжон РАҲМОНОВ (Фарғона вилояти, Қува тумани, Толмазор қишлоғи):**

— Ўзим 31 йиллик дўхтирман. Ёшларимизга тўғри тарбия беришда гап кўп. Нима эксак, шуни ўрамиз. Ҳаракатда баракат, дейишади. Меҳр-оқибат, миллатимизга хос эзгу фазилатлар тобора кенг қулоч ёйсин. Эзгу фикримиз шу.


**Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди**

**«КИЧИК ГРАНТЛАР ТАНЛОВИ»ни эълон қилади**

*«Кичик грантлар танлови» доирасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли масалаларни ҳал этиш ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларини ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятини қуйидаги соҳаларга йўналтирган нодавлат нотижорат ташкилотлари қўллаб-қувватланади:*

**— ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ННТларнинг давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;**

**— фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги иш ўринлари яратиш, касбга ўқитиш;**

**— фермерларнинг ва қишлоқ жойлардаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш.**

Тақдим этиладиган грантларнинг энг катта миқдори — **5 миллион сўм.**

● Танловда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига (ЎзННТМА) аъзо ташкилотларгина иштирок этиши мумкин.

● Танлов шартлари билан ЎзННТМА ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондида, шунингдек, www.ngo.uz сайтида батафсил танишиш мумкин.

● Мамлакатнинг турли ҳудудлари вакиллари бўлган танлов иштирокчилари тегишли ҳужжатларни электрон почта орқали юборишлари мумкин.

● Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар йиғинлари, давлат муассасалари ва лойиҳа бўйича ҳамкорларнинг қўллаб-қувватловчи хатлари эътиборга олинади.

● Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 2006 йил 30 ноябрь куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

**Маълумот учун Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Тел.: 133-18-54. Электрон манзил: fundgro@rambler.ru.**


# ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўша йиллари Шарқда фан ва маданият ривожланишнинг энг юқори чўққисига кўтарилиб, Хоразм ҳам дунёнинг йирик тафаккур марказларидан бирига айланади.

**— Абу Райҳон Беруний Маъмун академиясига таклиф қилган шарқлик машҳур олимлар сафида кимлар бўлган ва улар фаннинг қайси йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар?**

— Хоразм Маъмун академиясида тадқиқотчилик билан шуғулланган олимлар сони 300 дан зиёд бўлиб, уларнинг кўпчилигини дунё эътироф этган олимлар ташкил этган.

Абу Мансур ибн Али Ибн Ироқ, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Беруний, Абу Сахл ибн Яҳъё ал-Масиҳий ал-Журжоний, Абул Хайр ал-Ҳасан ибн Сувор ибн Бобо ибн Баҳром ибн ал-Хаммор, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино, Абу Мансур Абдумалик ибн ас-Саолибий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайлий ал-Хоразмий, Зайниддин Журжоний, Абулҳасан Маъмун, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абу Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмий сингари олимлар тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, мантиқ, психология, математика, астрономия, география, механика, геодезия, тиббиёт каби бир қатор фанларнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар. Умуман, Маъмун академияси намояндалари чин маънода қомусий олим эдилар. Мисол учун, Абул Хайр ибн ал-Хаммор фалсафа ва тиббиётга оид асарлари билан машҳур бўлиб, "Иккинчи Гиппократ" номини олган. Бағдодда туғилган бу олим Хоразмшоҳ Маъмун II томонидан Гурганжга чақиртирилиб, ибн Сино билан бирга саройда хизмат қилган. Абу Наср Мансур ибн Ироқ ал-Жаъдий буюк математик, астроном Абу Райҳон Берунийга устозлик қилган. У Берунийга бағишлаб 12 та асар ёзган.

Абу Райҳон Берунийнинг ўзи эса 21 ёшдаёқ астрономия, математика, биология ва тарих фанлари соҳасида етук олим сифатида танилган. Унинг 152 асаридан бизгача 30 га яқини етиб келган. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Минералогия" сингари асарлари шулар жумласидандир. Олимнинг астрономия соҳасидаги буюк хизматлари шундан иборатки, у Қуёш, Ой ва сайёралар ҳақида тадқиқотлар ўтказиб, табиат жисмларининг коинотдаги ўрнини белгилади. Европалик олимлардан деярли олти аср олдин Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги илмий ғояни асослаб берди.

**— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан қайтадан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар қандай бажарилаётганлигини айтиб берсангиз.**

— Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг 1997 йил 1 ноябрда имзолаган Фармони билан қайтадан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллигини нишонлаш бўйича ҳукуматимизнинг 2004 йил 9 ноябрдаги ҳамда Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва Академия минг йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси зиммасига жуда катта вазифалар юкланган. Бу бизнинг ташкилий ва амалий иш режамизда ўз ифодасини топган бўлиб, бутун куч ва имкониятларимизни шу вазифаларни тўла бажаришга қаратганмиз.

Бугун Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатаётган 60 га яқин илмий ходим олти устувор йўналиш бўйича 13 лойиҳа устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўтган вақт ичида мамлакатимиз Президентининг Фармойишига асосан, Хоразм Маъмун академияси лабораториялари учун энг замонавий асбоб-ускуналар харид қилиниб ўрнатилди ва малакали кадрлар билан таъминланди.

Аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, татбиқ ва тарғиб этиш мақсадида Малайзия мультимедия университети, Кореянинг Кёнхи университети, Қирғизистон ФА Тарих институти, АҚШнинг Хопкинс университети, Саудия Арабистони Подшоҳ Файсал илмий-тадқиқот маркази, Халқаро Ислом университети, Россия ФА Этнография ва этнология институти, Қозоғистоннинг Сулейманов номли шарқшунослик институти, Варшава университети билан Хоразм Маъмун академияси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Бундай илмий ҳамкорлик шартномаларини жаҳондаги бошқа йирик тадқиқот марказлари билан ҳам тузиш ишлари олиб борилмоқда.



Хоразм Маъмун академиясини юқори малакали илмий кадрлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар, Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот-технологиялари университетининг Урганч филиалидан 12 нафар илмий ходим жалб этилди. Шунингдек, Урганч давлат университети ва Тошкент тиббиёт академияси филиалидан иккитадан грант шартнома асосида ўндан ортиқ фан доктори билан биргаликда Хоразм Маъмун академиясига берилди.

Шу кунга қадар бу илм даргоҳига Ўзбекистон Фанлар академияси 15 та, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Миллий комиссияси 5 та компьютер тақдим этди. 12 та компьютер Интернет тармоғига уланди.

Бугунги кунда Хоразм Маъмун академияси кутубхонасидаги китоблар сони 16400 тадан ошди. Улар орасида ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 187 та, Урганч давлат университетидан 80 та, «Интерпресс» ташкилотидан олинган 326 та ноёб китоблар бор.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтидан олинган 20 та қўлёзманинг электрон нусхаси ва Мисрнинг Искандария кутубхонаси совға қилган Шарқ алломаларининг ўнга яқин асарлари нусхаси ҳам Хоразм Маъмун академияси кутубхонасидан жой олди.

"Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни" мавзуида Тошкентда ўтказилган халқаро илмий конференция ҳамда Урганч шаҳрида ўтказилган ёш олимлар анжумани тадқиқот ва тарғибот ишларининг изчил олиб борилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Албатта, Хоразм Маъмун академиясининг тарихи, ҳозирги кундаги фаолияти ва унинг 1000 йиллигини муносиб нишонлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида гапиришга арзигулик ишларимиз жуда кўп. Буни "Фан" нашриётида чоп этилган "Хоразм Маъмун академияси" номли илмий-оммабоп китоб, бугун-эрта босмадан чиқадиган шу номдаги альбом, республикамиз газета ва журналларида эълон қилинаётган мақолалар, ҳужжатли ва бадиий асарлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, шунингдек, кино ва видеофильмлар мисолида кўриш мумкин. Бундай тарғибот ишлари ўзимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам олиб борилмоқда ва кўплаб чет элликларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хоразм Маъмун академияси билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлган ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура шундай деди: "Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Унинг минг йиллик шонли тўйини нишонлашда ЮНЕСКО ҳам иштирок этаётганидан фахрланамиз".

**Суҳбатдош: Нуриддин ОЧИЛОВ.**

## Қарор ва ижро



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2006-2007 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида иссиқлик таъминоти тизими корхоналари зиммасига катта вазифалар юкланган. Жойларда эса ана шу вазифалар ниҳоясига етказилмоқда.*

# Иссиқликнинг ўзи келмайди

Ўтган йил қиш мавсуми Наманган шаҳрининг 6-кичик туманидаги кўп қаватли 21-уйда яшовчилар учун анча қийин кечди. Боиси, марказлашган қозонхонадан олти чақирим узоқликда жойлашган бу даҳага келаётган иссиқлик қуввати хонадонларни илиқ ҳолатда сақлашга ҳам етмасди. Аҳолининг ўша пайтдаги югур-югурини кўриб, арз-додларини эшитсангиз эди...

— Локализациялаш дастурини амалга оширишга киришганимиздан сўнг юқоридаги сингари йириклашиб кетган қозонхоналардан иссиқлик олувчи уйларда аҳвол бутунлай ўзгарди, — дейди вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси Шарифжон Нурматов. — Биргина 21-уйнинг ўзига «Термона» русумидаги 4 та кичик қозон ўрнатилди.

Наманганлик иссиқлик таъминотчиларининг навбатдаги мавсумга тайёргарлик тадбирларига бир қатор корхона ва муассасаларнинг бош қўшгани айни муддао бўлди. Масалан, вилоят газлаштириш идораси ўз тасарруфидаги кўп қаватли уйларнинг тўрттасига 8 та ихчам иситиш қозонини ўрнатиб берди. «Намангантелеком» ҳам ўзининг учта АТСи биносини 8 та кичик қозон ёрдамида иситишга мослаштирди. Умуман олганда, вилоят марказидаги бир қатор истеъмолчилар бу галги мавсумда иссиқлик қувватини ўзларигагина мўлжалланган кичик қозонхоналардан олишади. Тармоқни ихчамлаштириш бўйича синовдан ўтказилаётган бу тажриба, энг аввало, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, демакки, кўрсатилаётган хизмат таннархини тушириш имконини берди. Истеъмолчининг хонадонида эса ҳарорат ҳамиша меъёрида бўлишини таъминлади.

Иситиш тизимининг мавсумни муваффақиятли ўтказиши асосан ёзги тайёргарлик юмушларининг нечоғлик тўла адо этилишига боғлиқ. Бу эса унчалик енгил иш эмас. Сабаби, тармоқнинг кўлами анча катта. Масалан, «Иссиқлик манбаи» бошқармаси тасарруфида вилоят бўйича 158 қозонхона бор. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида уларнинг сони 155 та бўлиб, иссиқлик 115 километрлик қувурлар орқали етказиб берилади. Асосий истеъмолчилар эса 120 та кўп қаватли уйда яшайдилар.

Мутахассисларнинг айтишига қараганда, бошқарма ишлаб топаётган даромаднинг асосий қисми кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларига сарфланяпти. Жорий йил ёзида Наманган шаҳридаги 4 та қозонхонани мукаммал, 21 тасини эса жорий таъмирлаш учун 85 миллион сўм маблағ ишлатилди. Саккиз километрлик иситиш қувурларини таъмирлашга ҳам шунча маблағ кетди.

Қозонхоналарнинг асосий қисми табиий газ ҳисобига ишлайди. Бироқ айрим ҳудудларда газ босимининг пастлиги уларни тўла қувват билан ишлатиш имконини бермаяпти. Жумладан, бултур вилоят марказидаги бир қатор мактаблар, болалар боғчалари, педагогика коллежи биноларини иситишда муаммога дуч келинди. Мутахассисларнинг ишонтиришларига қараганда, навбатдаги мавсумда бу ҳолат такрорланмайди. Чунки мазкур муассасаларнинг қозонхоналари иккиламчи ёқилғи, яъни кўмирга мослаштирилди. Бошқа истеъмолчилар ҳам газ босими пасайиб кетишидан хавотир олмасалар бўлади. Зарур ҳолларда ишлатиш учун бошқарма бўйича 580 тонна мазут, 1280 тонна кўмир жамғариб қўйилган.

Бундан ташқари, ўтган мавсумда айрим ҳудудларда қувурлар ўралган материаллар йиртилиб кетгани боис иссиқликни беҳуда сарфлаш ҳоллари содир бўлганди. Гарчи режага кўра, 15 километрлик тармоқда ўраш ишлари бажарилган бўлса-да, яна 10 километрга яқин жойда бу иш навбат кутиб турибди. Аммо уни охирига етказиш учун бошқарманинг қўли бироз қисқалик қиляпти. Нега деганда, баъзи истеъмолчилар билан фойдаланилган иссиқлик қуввати учун ҳисоб-китоблар оғир кечяпти. Бу борадаги шартнома талабларини бузаётганларнинг аксарияти хонадон соҳибларидир. Уларнинг бошқармадан бўлган қарзи 470 миллион сўмдан ошади. Таъминотчилар 202,8 миллион сўм қарзни ундириб беришни сўраб судга даъво аризаси киритишган бўлса-да, аҳвол ўзгаришидан кўнгил тўлмайди.

Кузнинг иккинчи ойи бошларидаги ёмғир аёзли кунлар яқинлашаётганини ёдга солди. У кузги-қишки мавсум талаб даражасида ўтишида ўзига хос ўрин тутадиган иситиш тизими ходимларини яна бир бор ҳушёр торттиргани турган гап. Айтиш мумкинки, Наманганда мавсумга тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етказилаётгани қозонхоналар белгиланган муддатда ишга тушишига кафолат беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

